

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1704-ҳадис

1704/4684 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَنْفِقْ أَنْفِقْ عَلَيْكَ، وَقَالَ: يَدُ اللَّهِ مَلْأَى لَا تَغِيِّضْهَا نَفْقَةُ، سَحَّاءُ اللَّيْلِ وَالنَّهَارَ، وَقَالَ: أَرَأَيْتُمْ مَا أَنْفَقَ مُنْذُ خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فَإِنَّهُ لَا يَغِضُّ مَا فِي يَدِهِ، كَانَ عَرْشُهُ عَلَى الْمَاءِ، وَبِيَدِهِ الْمِيزَانُ يَخْفِضُ وَيَرْفَعُ.

1704.4684. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ азза ва жалла: «Инфоқ қил, сенга ҳам инфоқ қиласман», деди».

Яна: «Аллоҳнинг қўли тўладир. Нафақа Инфоқ уни камайтиrmайди. Туну кун тўхтамай тўкиб-сочувчиdir. Айтинг-чи, У Зот осмону ерни яратганидан бери нималарни инфоқ қилган?! Бу унинг қўлидагини камайтиrmаган. Унинг Арши сув устида эди. Қўлида мезон бор, туширади, кўтаради», дедилар».

«Иътароока» «ифтаълака» шаклида. У «ъаровтухуу», яъни «унга етдим»дан. «Йаърууху» ва «иътароонии» ҳам шундан.*

«У унинг пешонасидан тутгандир», яъни Унинг эгалигида, салтанатидадир, «ъаниидун», «ъануудун», «ъааниидун» бирдир (саркаш, қайсар дегани), бу ўта манмансирашdir.

«Истаъмарокум» - сизларни яшовчи қилди. «Аъмартуҳуд-дааро» (ҳовлини унга яшашга бердим) - «уни уники қилдим» дегани бўлиб, ана ўша умродир.*

«Накироҳум», «анкароҳум», «истанкароҳум» бирдир (уларни танимади, дегани).

«Ҳамиидун мажиидун» (мақталган, олижаноб) - бу «маажидун»дан «фаъииилун» вазнида олинган кўринади («Ҳамиидун» сўзи «маҳмуудун» маъносида, «ҳамида»(мақтади)дан олинган).*

«Сижжиилун» - қаттиқ ва катта. «Сижжиил» ва «сижжин» (бирдир). «Лам»

ҳарфи билан «нун» ҳарфи опа-сингил.

Тамим ибн Муқбил айтади:

Эрлар чошгоҳ дубулғага урарлар шундай,

Ки ботирлар метинларчун тайинлар уни.

* Арабларда ушбу икки сўз кўп ишлатилади ва ҳар қайсисида ҳам «етмок», «тегмоқ» маъноси англашилади. Муаллиф бу билан ушбу «ъарова» ўзагидаги феъл аслидек учта ҳарфли бўлиб келганида ҳам, қўшимча ҳарфлар орттирилиб, «ифтаъала» бобига олинганда ҳам бир маънони билдиришини айтмоқчи.

* «Умро» - «умрбод» дегани. Истилоҳда умро деб бирор мулкни бировга бир умрга ҳиба қилишга айтилади. Масалан, бир киши бировга «Мана бу ҳовлим мен ўлгунча (ёки сен ўлгунча) сеникидир», деса, ҳовли ҳиба берилган кишига, ундан кейин эса унинг меросхўрларига ўтади. Ҳиба қилувчининг ҳибаси қабул қилинади, аммо шарти бекор қилинади. Шунинг учун мулк ҳиба қилувчига ёки унинг меросхўрларига қайтмайди. Умронинг бир неча турлари бўлиб, баъзилари жоиз, баъзилари жоиз эмас. Батрафсил маълумот учун шарҳларга ва фиқҳ китобларига мурожаат қилинади.

* «Фаъиилун» вазnidаги ушбу икки сўздан бири «фааъилун», яъни феъл эгаси мазмунида, иккинчиси «мафъуулун», яъни феъл йўналтирилган томон маъносида келган экан.

Манба: hadis.islom.uz

